

## Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 126-ҳадис

126- 2755. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا يَسْوُقُ  
بَدَنَةً، فَقَالَ: «أَكَبُّهَا».

126- 2755. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бадана етаклаб кетаётган бир кишини кўриб: **«Уни миниб ол!»** дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, у бадана», деди. У зот иккинчи ёки учинчисида: **«Уни миниб олгин, ҳолинггавой бўлгур!»** дедилар».

\* Бадана - қурбонликка аталган түя (ҳанафий мазҳабида бадана деганда қурбонликка аталган қорамол ҳам тушунилади). Бу сўзнинг луғавий маъноси «семиз», «жуссадор»дир. Араблар семирган, етилган түя ва молларни сўйиб ҳадий қилганлари учун бу қурбонликларини «бадана» деб номлашган. Аммо қурбонликка аталган қўй-эчкилар бадана дейилмайди.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

